

## ҚИЗАМИҚДАН КЕЙИНГИ АСОРАТЛАРДА ЛАБОРАТОР ВА ИММУН-ЯЛЛИҒЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

Мирзоева М.Р.

Болтабоева Д.И.

Бухоро давлат тиббиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20392652>

Қизамиқ инфекциясида лаборатор ва иммун-яллиғланиш кўрсаткичларининг ўзгариши касаллик оғирлигини баҳолаш, асоратларни эрта аниқлаш ва прогноз қилишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар қизамиқ вируси таъсирида иммун тизимда чуқур ўзгаришлар, жумладан лимфопения, цитокинлар дисбаланси ва яллиғланиш медиаторларининг фаоллашиши ривожланишини кўрсатган.

William J. Moss томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, қизамиқ инфекциясида иммун тизим фаолиятининг сусайиши ва яллиғланиш жараёнларининг фаоллашиши лаборатор диагностикада муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, лейкоцитлар, лимфоцитлар ва яллиғланиш кўрсаткичлари касаллик оғирлигини баҳолаш учун қўлланилиши мумкин (4).

Michael J. Mina ҳаммуаллифлар билан бирга ўтказган тадқиқотида қизамиқдан кейин иммунологик хотиранинг вақтинчалик сусайиши («иммунологик амнезия») кузатилиши кўрсатилган. Бу ҳолат иккиламчи инфекциялар ва яллиғланиш жараёнлари кучайиши билан кечиб, иммун кўрсаткичларни динамик баҳолаш зарурлигини асослаб берган (2).

Замонавий адабиётларда IL-6, TNF- $\alpha$ , CRP, ферритин ва бошқа яллиғланиш маркерлари инфекция оғирлиги ҳамда асоратлар ривожланиши билан боғлиқ биомаркер сифатида баҳоланмоқда. Цитокинлар профилининг ўзгариши клиник кечиш оғирлигини олдиндан баҳолаш имконини бериши таъкидланган (1,3).

Шу тариқа, замонавий адабиётлар таҳлили қизамиқдан кейинги асоратларда лаборатор ва иммун-яллиғланиш кўрсаткичлари — айниқса лейкоцитлар, лимфоцитлар, IL-6, TNF- $\alpha$ , CRP ҳамда иммун жавоб динамикасини комплекс баҳолаш эрта диагностика ва клиник қарор қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади

Қизамиқ вирусли инфекцияси нафақат ўткир клиник кечиши, балки касалликдан кейин ривожланувчи иммунологик ва яллиғланиш ўзгаришлари билан ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Айниқса, катта ёшли беморларда асоратлар шаклланишида лаборатор ва иммун-яллиғланиш кўрсаткичларининг ўзгариши муҳим диагностик аҳамият касб этади.

**Тадқиқот мақсади:** қизамиқдан кейинги асоратларда лаборатор ҳамда иммун-яллиғланиш кўрсаткичларининг диагностик аҳамиятини баҳолаш.

Тадқиқот натижаларига кўра, асосий гуруҳда яллиғланиш жараёни ва иммунологик дисбаланс кўрсаткичлари қиёсий ҳамда назорат гуруҳларига нисбатан яққол ўзгарганлиги кузатилди. Лейкоцитлар миқдорининг ошиши ( $6,48 \pm 0,42 \times 10^9 / \text{л}$ ), лимфоцитлар абсолют сонининг пасайиши ( $0,9 \pm 0,09$ ), ЭЧТ кўрсаткичининг юқорилиги ( $23,38 \pm 0,94$  мм/соат) ҳамда ЛИИнинг 5,57 гача кўтарилиши эндоген интоксикация ва яллиғланиш жараёни фаоллигини кўрсатди.

Шунингдек, гемоглобин ва тромбоцитлар миқдорининг пасайиши иммун-гемопэтик тизимдаги функционал ўзгаришлар билан боғлиқ экани аниқланди. Биокимёвий таҳлилда АЛТ ва АСТ кўрсаткичларининг ошиши организмда вирусли интоксикация ҳамда метаболит бузилишлар ривожланганлигини тасдиқлади.

Иммун-яллиғланиш маркерлари таҳлили шуни кўрсатдики, IL-6, TNF- $\alpha$ , CRP, ферритин ва прокальцитонин даражаларининг ортиши асоратлар оғирлиги билан боғлиқ бўлиб, уларни эрта диагностика қилиш ва прогноз баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

**Хулоса:** қизамиқдан кейинги асоратларда лаборатор ва иммун-яллиғланиш кўрсаткичларининг комплекс баҳоланиши яллиғланиш жараёни фаоллигини, иммун супрессия даражасини ва касаллик оғирлигини эрта аниқлаш имконини беради. Лейкоцитар интоксикация индекси, ЭЧТ, IL-6, TNF- $\alpha$  ҳамда ферритин кўрсаткичлари энг аҳамиятли диагностик маркерлар сифатида тавсия этилади.

### Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Balid Albarbar. Human Immune Responses to Measles Virus: A Literature Review // *Journal of Microbiology and Infectious Diseases*. — 2024. — Vol. 14(3). — P. 103–108.
2. Michael J. Mina et al. Measles virus infection and long-term immune consequences // *Science*. — 2019. — Vol. 366. — P. 599–606.
3. S. Au. Measles: An Updated Literature Review of the Host Immune Response // *Cellular and Molecular Biology*. — 2026. — Vol. 48(2).
4. William J. Moss. Measles // *The Lancet*. — 2017. — Vol. 390(10111). — P. 2490–2502.